

КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахмедов Нуъмонжон Мухаммедумарович

Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси

Солиқлар ва солиққа тортиш йўналиши Магистратураси тингловчиси

Аннотация: Камерал солиқ текшируви солиқ назорати механизмининг самарали усули ҳисобланади. Шу сабабли, камерал солиқ текшируви самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда камерал солиқ текшируви ўтказиш мезонлари ва текширув ўтказишдаги янгиликларга алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот бўйича камерал солиқ текширувлари таҳлил этилиб таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Солиқ текширувлари, камерал солиқ текшируви, солиқ юки, солиқ маъмуриятчилиги тизими, солиқ назорати, солиқ хавфини бошқариш, солиқ тўловчининг шахсий кабинети, молиявий-хўжалик фаолияти, солиш тизимини соддалаштириш.

The procedure for conducting a cameral tax audit and ways to improve it

Abstract: Cameral tax audit is an effective method of tax control mechanism. Therefore, special attention will be paid to the ways of improving the efficiency of the chamber tax audit, as well as the criteria for conducting a chamber tax audit and the innovations in conducting the audit. Chamber tax audits have been analyzed and suggestions have been developed for the study.

Keywords: Tax audits, chamber tax audit, tax burden, tax administration system, tax control, tax risk management, tax payer's personal office, financial and economic activities, simplification of the settlement system.

Мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда самарали солиққа тортиш тизими ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳамда Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш асосий мезонлари белгиланди.

“Камерал назоратни такомиллаштириш орқали солиқ тўловчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан улар томонидан солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари ўз вақтида аниқланади ҳамда аниқланган камчиликлар бартараф этилиши таъминланади. Бу, ўз навбатида, охириги таъсир чораси бўлган солиқ текширувида корхоналарга қўшимча солиқ ҳисобланиб, банкротлик жараёнига келиб қолишини олдини олади”¹.

Мамлакатимизда солиқ назоратини тартибга солиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга асосан “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” тасдиқланган бўлиб, солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Камерал солиқ текшируви — солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) томонидан солиқлар ва йиғимлар (кейинги ўринларда — солиқлар) тўғри ҳисобланишини, ўз вақтида ва тўлиқ бюджет тизимига тўланишини текшириш мақсадида солиқ тўловчи, солиқ агентлари (кейинги ўринларда — солиқ тўловчи деб юритилади) томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини ва (ёки) солиқ органида мавжуд бўлган солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ органи томонидан ўтказиладиган текширув ҳисобланади.

Қўшилган қиймат солиғини қоплаш билан боғлиқ бўлган камерал солиқ текшируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги [низом](#) асосида белгиланади.

Мамлакатимизда айнан солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш мақсадида 2023 йил 28 декабрдаги [ЎРҚ-891-сон](#) Қонуни билан камерал солиқ текширувини ўтказиш тартибига ўзгартириш киритилди.

Солиқ тўловчиларнинг ишини енгиллаштириш, бюрократик қоғозбозликни йўқ қилиш, пул ва вақт харажатларини камайтириш мақсадида

¹ “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги Республика 24-кўп тармоқли илмий масофавий онлайнконференция материаллари 9-қисм. Г.Ташходжаева “Камерал солиқ текшируви ҳамда унинг самарадорлигини оширилишида ташқи манба маълумотларининг зарурлиги” 2021 йил 31 январ.

2024 йил 1 январдан бошлаб солиқ органларига камерал солиқ текширувларини ўтказишда қуйидагилар таъқиқланди:

- солиқ тўловчининг худудига кириш;
- унинг худуди ва биноларини текшириш;
- солиқ тўловчини чақириш ва ундан ҳужжатларни талаб қилиш;
- солиқ тўловчидан ҳужжатлар ва қандайдир нарсаларни олиб қўйиш.

Камерал солиқ текшируви солиқ органининг ўзи томонидан солиқ тўловчининг иштирокисиз ва фақат солиқ органларида мавжуд маълумотлар асосида ўтказилиши белгиланди.

Солиқ органлари томонидан юқорида кўрсатилган чора-тадбирларни ўтказишни тақиқлаш ҚҚС суммасини қоплашга оид (қайтаришда) камерал солиқ текширувларига нисбатан татбиқ қилинмаслиги белгиланди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари ноқонуний текширувлари ва асоссиз тадбиркорлик фаолиятига аралашувлар корхона молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади ҳамда улар ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллардан бири ҳисобланади.

Ушбу таҳлилларимиз натижасида солиқ текширувлари орасида камерал солиқ текширувларини ўтказиш бўйича чиқарилган буйруқлар сон жihatдан устуңлик қилаётганлиги аниқланди.

Хусусан, солиқ органлари томонидан 2021-2023 йиллар давомида ўтказилган камерал солиқ текширувлари қуйидаги кўрсаткичларни намоён этмоқда:

**Ўтказилган камерал солиқ текширувлари натижасида 2021-2023 йиллар давомида қўшимча
ҳисобланган тўловлар тўғрисида
МА Ё Л У М О Т**

*2024 йил 1 январь
ҳолатига*

млрд.сўм

№	Худудлар	Ўтказилган камерал солиқ текширувлари (ЎРҚ 599-сон қонуни билан тасдиқланган Солиқ кодексига мувофиқ буйруқ асосида ўтказилган камерал солиқ текширувлари)											
		2021 йил давомида				2022 йил давомида				2023 йил давомида			
		Текши рувлар сони	Корхо на сони	қўши мча ҳисоб ланган н	унди рилга н сумма	Текши рувлар сони	Корхо на сони	қўши мча ҳисоб ланган н	Унди рилга н сумма	Текш и рув ла р сони	Корхо на сони	қўши мча ҳисоб ланган н	унди рилга н сумма
ЖАМИ		84 171	66 120	9 378, 1	4 566, 0	38 963	28 864	8 784, 4	4 674, 3	50 762	44 708	9 117, 0	5 502, 6
1	Қорақалпоғ	3 718	3 230	47,8	11,3	1 158	833	132,5	71,8	2 510	2 268	132,9	30,1

	истон Рес.												
2	Андижон вилояти	6 187	4 982	349,5	75,6	3 098	2 245	315,1	112,3	5 254	4 243	201,6	34,4
3	Бухоро вилояти	6 154	4 506	241,0	37,6	3 327	2 329	365,8	239,6	3 761	3 264	173,3	66,1
4	Жиззах вилояти	2 546	2 239	187,1	20,7	1 105	779	158,9	60,8	2 153	2 010	33,0	12,3
5	Қашқадарё вилояти	7 878	5 981	335,3	31,4	1 332	1 087	302,9	182,6	3 128	2 733	280,1	29,5
6	Навий вилояти	4 681	3 596	98,7	57,2	1 140	728	98,6	57,3	2 265	2 016	37,7	20,3
7	Наманган вилояти	4 826	3 370	363,9	76,2	3 200	2 277	344,2	219,2	3 715	3 178	280,8	42,9
8	Самарқанд вилояти	8 362	6 918	161,0	106,3	3 392	2 270	410,2	272,4	5 027	4 660	161,0	56,6
9	Сурхондарё вилояти	3 688	3 178	258,7	63,5	1 817	1 273	256,7	127,5	4 021	3 589	112,8	40,9
10	Сирдарё вилояти	3 444	2 677	141,5	36,9	1 288	968	144,7	72,0	1 889	1 707	69,6	19,7
11	Тошкент вилояти	6 481	5 209	261,7	47,1	3 597	2 793	667,9	378,5	4 664	4 021	351,4	39,1
12	Фарғона вилояти	8 896	7 342	227,5	62,4	2 646	1 911	536,6	250,4	2 498	2 326	185,1	29,6
13	Хоразм вилояти	5 461	4 625	147,3	57,0	3 850	2 871	133,0	72,0	3 458	2 797	84,5	27,3
14	Тошкент шаҳри	10 831	7 687	1 092,6	317,8	7 590	6 156	1 625,6	781,6	5 317	5 018	969,7	108,4
15	Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси	1 018	580	5 464,6	3 565,1	423	344	3 291,5	¹ 776,2	1 102	878	6 043,6	4 945,2

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Республикамизда ўтказилган камерал солиқ текширувлари сони 2021 йилда 84 171 тани ташкил этиб, ушбу текширувлар натижасида 9 378,1 млрд сўм, 2022 йилда 38 963 та камерал солиқ текшируви ўтказилиб, унинг натижасида 8 784,4 млрд сўм ҳамда 2023 йилда 50 762 та камерал солиқ текшируви ўтказилиб, унинг натижасида 9 117,0 млрд сўм солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар қўшимча ҳисобланган². Бу эса камерал солиқ текширувлари жараёнида ҳали ҳам мавжуд муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

² Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ушбу ҳолатлар камерал солиқ текшируви ўтказиш тартибини такомиллаштириш, солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш ва солиқ ҳуқуқбузарлиқлари келиб чиқиш сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда уни бартараф этиш йўллариини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан эканлигини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифларни кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида камерал солиқ текшируви ўтказилган давр учун қайта камерал солиқ текшируви ўтказмаслик зарур;

иккинчидан, солиқ органларининг солиқ хавфини бошқариш тизими асосида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилиши содир этилганлиги хавфининг мавжуд бўлиши мезонларини соддалаштириш лозим;

учинчидан, битта солиқ тўловчида ҳар хил мезонлар бўйича солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилиши содир этилганлиги хавфининг мавжуд бўлиши юзасидан уларни умумлаштирган ҳолда камерал солиқ текширувини ўтказишни белгилаш лозим. Шундагина битта солиқ тўловчида йил давомида ҳар хил мезонлар бўйича қайта-қайта камерал солиқ текширувини ўтказишни олди олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.01.2021 йилдаги 1-сонли қарори.
4. “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги Республика 24-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари 9-қисм. Г.Ташходжаева “Камерал солиқ текшируви ҳамда унинг самарадорлигини оширилишида ташқи манба маълумотларининг зарурлиги” 2021 йил 31 январ.
5. Солиқ қўмитасининг камерал солиқ текшируви ҳақидаги маълумотлари.
6. Интернет сайтлари: www.lex.uz, www.norma.uz.